**«ТАСДИҚЛАНДИ»**

**БНҚИЗ директори ўринбосари**

**_______________ Примов Н.К**

**“ 28 ” ___04___ 2022 йил**

**Бухоро нефтни қайта ишлаш заводининг ташқи ҳудудидаги кўкаламзорлаштирилган ер майдонларидаги кўчат (дарахт) ларни йил давомида парваришлаш, ҳудудларни йил давомида тозалаш ва шу билан боғлиқ бошқа хизматлар бўйича**

# *ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФНИ ТАНЛАШ УЧУН ҲУЖЖАТ*

2022 йил

# МУНДАРИЖА

**НАШРДА ЧОП ЭТИЛАДИГАН ЭЪЛОН МАТНИ**
*(Танлаш иштирокчиларига тақдим этилмайди)*

**ТАНЛАШ ҲУЖЖАТЛАРИ**

**УМУМИЙ ҚИСМ**

ТАНЛАШДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФНОМА

ТАНЛАШ ИШТИРОКЧИЛАРИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

ТАНЛАШ ТАКЛИФЛАРИНИ ТЕХНИК БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ

ТАНЛАШ КОМИССИЯСИ ТАРКИБИ

**ТЕХНИК ҚИСМ**

БАЖАРИЛАДИГАН ИШ ҲАЖМЛАРИ РЎЙХАТИ

**ТИЖОРАТ ҚИСМ**

БУЮРТМАЧИНИНГ БОШЛАНҒИЧ НАРХИ

МОЛИЯЛАШТИРИШ МАНБАСИ

МОЛИЯЛАШТИРИШ ШАРТЛАРИ

ШАРТНОМА ВАЛЮТАСИ

БАРЧА ЎРМОН ХЎЖАЛИКЛАРИ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА !!!

“Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи” МЧЖ

**Энг яхши таклифни ТАНЛАШ учун эълон қилади**

---

Объект номи: Завод ташқи худудидаги 212 гектар майдондаги схема асосида экилган мавжуд 81 минг дона мевали ва манзарали дарахтларни йил давомида парваришлаш, агротехника қоидалари асосида ишлов бериш, буташ, шакл бериш, озиқлантириш, касалланган дарахтларга кимёвий ишлов бериш, мазкур дарахтларни йилига 4 маротаба оқлаш, боглардаги дарахтлар остини йилига 2 маротаба ўтлар ва хашакларини чопиб чиқариб ташлаш, 6 км узунликдаги лотокларни йилига 2 маротаба лойлардан тозалаш ва таъмирлаш, схема асосида экилган боғларнинг арикчаларини йилига 2 маротаба лойдан тозалаш, шартнома асосида арик суви билан таъминлаш, сув насосларини узлуксиз ишлашини таъминлаш ва техник хизмат кўрсатиш ҳамда завод атрофидаги йўл ва йўлакларни супуриб тозалаш хизматини кўрсатиш бошланғич нархи – 1 080 518 127 сўм. (ҚҚС билан)

Ишларни тугаллаш муддати –270 календарь кун.

Буюртмачи: “Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи” МЧЖ , Тел (98) 774 75 02.

**Молиялаштириш манбаси: Ўз маблағлари ҳисобидан.**

- Танлаш иштирокчилари қуйидаги талабларга лойиқ бўлишлари лозим: Иш (хизмат)ларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, мутахассисларнинг етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала лаёқати ваколатларига эга ва тажрибали бўлишлари шарт.
- Тасдиқланган танлаш ҳужжатлари буюртмачи томонидан жойлаштириладиган давлат харидлари бўйича etender.uzex.uz махсус ахборот порталидан юклаб олишлари мумкин.
- Таклифлар танлаш ташкилотчиси томонидан etender.uzex.uz электрон танлаш эълонида чоп этилган кундан бошлаб тугайдиган вақтига қадар қабул қилинади.

## ТАНЛАШДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФНОМА

“Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи” МЧЖ танлашда иштирок этишга танлаш иштирокчиларини таклиф этамиз ва қуйидаги объект бўйича танлаш таклифини тақдим этилишини сўраймиз.

**Объект номи:** Завод ташқи ҳудудидаги 212 гектар майдондаги схема асосида экилган мавжуд 81 минг дона мевали ва манзарали дарахтларни йил давомида парваришлаш, агротехника қоидалари асосида ишлов бериш, буташ, шакл бериш, озиқлантириш, касалланган дарахтларга кимёвий ишлов бериш, мазкур дарахтларни йилига 4 маротаба оқлаш, боглардаги дарахтлар остини йилига 2 маротаба ўтлар ва хашакларини чопиб чиқариб ташлаш, 6 км узунликдаги лотокларни йилига 2 маротаба лойлардан тозалаш ва таъмирлаш, схема асосида экилган богларнинг арикчаларини йилига 2 маротаба лойдан тозалаш, шартнома асосида арик суви билан таъминлаш, сув насосларини узлуксиз ишлашини таъминлаш ва техник хизмат кўрсатиш ҳамда завод атрофидаги йўл ва йўлакларни супуриб тозалаш хизматини кўрсатиш.

Жорий хизматнинг бошланғич нархи – 1 080 518 127 сўм. (ҚҚС билан)

Ишларни тугаллаш муддати –270 календарь кун.

Буюртмачи: “Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи” МЧЖ, Тел (98)774 75 02.

**Молиялаштириш манбаси: : Ўз маблағлари ҳисобидан.**

Таклиф этилган шартлар бўйича танлашда мурожаат билан маҳаллий ташкилотлар иштирок этишлари мумкин.

Энг яхши таклифни Танлашда иштирок этиши учун иштирокчиларга қуйидаги талаблар қўйилади:

фуқаролик-муомала лаёқати ва шартнома тузиш ваколати;

доимий ходимлари, жумладан 5 тадан кам бўлмаган олий маълумотли ўрмон хўжалиги мутахассиси ва 60 тадан кам бўлмаган ишчи ходимларига эга бўлиши;

ишлаб турган асосий воситалари, шу жумладан 3 тадан кам бўлмаган трактор прицепи билан, ва қишлоқ хўжалик механизацияси воситаларига (КПН, чизел, барана, плуг, КЗУ, ер текислаш мосламаси) эга бўлиши;

ўз айланма маблағлари билан таъминланганлиги (кўрсаткич 0,2 коэффициентдан кам бўлмаган);

танлаш объекти ёки ўхшаш объектларда камида 15 йил кўкаламзорлаштириш ишларини бажарганлик тажрибаси мавжудлиги;

Агар танлаш предмети бўлган иш (хизмат)ларни бажариш билан боғлиқ фаолият қонун ҳужжатларига мувофиқ лицензияланиши зарур бўлса, танлашда иштирок этиш учун белгиланган тартибга асосан тегишли лицензияга эга бўлган танлаш иштирокчиларга рухсат этилади.

Қуйидаги танлаш иштирокчиларига танлаш жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

қайта ташкил этилиш (бўлиниш, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар;

мол-мулки мусодарага олинганлар ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир-бирига молиявий қарамлиги мавжуд ташкилотлар.

ишчилар сони ва инженер техник ходимлар сонини тўлиқ кўрсатилиши керак. Меҳнат дафтарчалари ва буйруқ ҳар бир ишчи билан тузилган меҳнат шартномаси бўлиши керак.

Агарда комиссия томонидан текширишда ёки баҳоланганда нотўғри маълумот берилса тендер ҳужжатлари кўрилмасдан қайтариб берилади ва чиқариб юборилади.

Танлаш таклифини тайёрлаш ва тақдим этиш учун керакли барча ҳужжатлар танлаш иштирокчилари учун йўриқномада акс эттирилган.

Танлаш иштирокчилари танлашда қатнашиш тўғрисидаги таклифлари ва танлаш ҳужжатларини etender.uzex.uz сайтидан олишлари мумкин

Таклифларни топшириш танлаш иштирокчисининг танлаш ҳужжатларига қўйилган талабларни ўрганганн ва унда кўрсатилган ишларни бажариш, ишларнинг физик ҳажмлари, материал ҳамда бошқа шартларга нисбатан мазкур хизматни бажаришга таъсир этиши мумкин бўлган саволлар йўқлигига далолат ҳисобланади.

Таклифларни кўриб чиқиш эълон муддати тугаган санадан бошлаб 5 (беш) кундан ошмаган муддат ичида коммиссия томонидан кўриб чиқилади.

## ТАНЛАШ ИШТИРОКЧИЛАРИГА ЙЎРИҚНОМА

### 1. ИШЛАРНИНГ ҚИСҚАЧА ТАЪРИФИ

1.1. Буюртмачи - танлаш ахборот жадвалида (кейинги ўринларда ТАЖ деб аталади) кўрсатилган объект бўйича ишларни олиб боришни мўлжаллаб, танлаш ташкилотчиси номидан иш юритиб, ТАЖда кўрсатилган объект бўйича танлаш эълон қилади.

1.2. Танлашнинг тури – очиқ танлаш, агар ТАЖда бошқача айтиб ўтилмаган бўлса.

1.3. Ишлар танлаш ҳужжатларининг иловада кўрсатилган намунавий пудрат шартномаси талабларига биноан бажарилиши лозим.

### 2. ТАНЛАШ ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ МУНДАРИЖАСИ

2.1. Ушбу танлаш ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги 2021 йил 22 апрелдаги № ЎРҚ 684-сонли қонунига мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 сентябрдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидагиги ПҚ-3953-сонли қарорининг талабларига биноан ишлаб чиқилган ва умумий, техник ва тижорат қисмларидан иборат.

2.2. Умумий қисм танлаш иштирокчиларига таклиф, шартноманинг умумий талаблари ва мазкур йўриқномани, шакллар қўшилган ҳолда, ўз ичига олади.

2.2.1. Шакллар рўйхати:

**1-шакл**. Танлаш буюртмасини таъминлаш кафолати.

**2-шакл.** Танлаш иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар.

**3-шакл**. Танлаш иштирокчисининг молиявий кўрсаткичлари.

**4-шакл.** Танлаш иштирокчисининг иш ҳақи жамғармаси ва ходимлар ўртача сони бўйича кўрсаткичлари.

**6-шакл.** Танлашдаги объектга ўхшаш объектларда охирги 15 йиллик иш тажрибаси.

**7-шакл.**Танлаш иштирокчисининг ишларни бажаришда фойдаланадиган машина ва қишлоқ хўжалик механизмлари рўйхати.

## 3. ТАНЛАШ ТАКЛИФИНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ ДАВРИ

3.1. Танлаш таклифининг амал қилиш даври 5 кундан кам бўлмаслиги керак, агарда ТАЖда бошқа ҳолат кўрсатилмаган бўлса.

3.2. Алоҳида ҳолларда таклифнинг бирламчи амал қилиш даври тугаш вақтигача танлаш ташкилотчиси танлаш иштирокчилари билан таклифнинг амал қилиш муддатини узайтириш ҳақида келишиши мумкин, келишув ёзма шаклда расмийлаштирилган ҳолда.

## 4. ТАКЛИФЛАРНИ БЕРИШ ШАКЛИ

4.1. Танлаш иштирокчиси таклифни ташкил этувчи барча ҳужжатларнинг электрон шаклда тизим орқали тақдим этиши керак.

Танлаш иштирокчиси тақдим этилаётган ахборот ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгар бўлади.

Танлаш иштирокчиси фақат битта таклиф беришга ҳақли.

Танлаш учун таклифларни қабул қилиш махсус ахборот портали орқали давлат харидларининг электрон тизимида чоп этилган эълонда кўрсатилган муддат келиши билан тугатилади.

## 5. ТАНЛАШ ТАКЛИФИНИ ЎЗГАРТИРИШ ЁКИ ҲИСОБДАН ЧИҚАРИШ

5.1. Таклиф берилганидан кейин танлаш иштирокчиси танлаш таклифига ўзгартиришлар киритиши ёки уни ҳисобдан чиқариши мумкин.

5.2. Таклифлар бериш муддати тугагандан кейин таклифларга ўзгартиришлар киритишга йўл қўйилмайди.

## 6. ТАКЛИФЛАРНИ ТУШУНТИРИШ

6.1.Танлаш комиссияси таклифларни баҳолаш ва таққослаш учун таклифни танлаш комиссияси кўриб чиқиш вақтида танлаш иштирокчиларидан таклифлар мазмунига тушунчалар беришни сўраши мумкин. Барча савол ва жавоблар электрон тизимда яратилган чат орқали олиб борилади. Бунда таклифнинг мазмунини, шу жумладан нархи ёки бажариш муддатини ўзгартирувчи тушунтиришлар берилишига йўл қўйилмайди.

## 7. ТАНЛАШ ИШТИРОКЧИЛАРИНИНГ МАЛАКАСИНИ БАҲОЛАШ (ТЕХНИК БАҲОЛАШ)

7.1. Танлаш иштирокчисини талаб қилинадиган малакага мос келишини ҳал этиш учун тўлдирилган шакллар ва уларга илова қилинган, унинг таклифида тақдим этилган тасдиқловчи ҳужжатлар ўрганилади.

7.2. Танлаш иштирокчилари таклифларини баҳолаш уларни техник жиҳатдан амалга ошириш юзасидан ТАЖда кўрсатилган танлаш таклифларини баҳолаш мезонларига биноан баҳоланади.

## 8. МОЛИЯВИЙ ТАКЛИФЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ, ЯКУНИЙ БАҲОЛАШ, ТАНЛАШ ҒОЛИБИНИ АНИҚЛАШ

8.1. Молиявий таклифларни баҳолашда электрон тизим томонидан танлаш таклифларининг биринчи техник қисмидан муваффақиятли ўтган иштирокчиларининг таклифларини автоматик баҳолайди.

8.2. Харид комиссиясининг қарори билан танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида ва таклифда кўрсатилган мезонларга мувофиқ ғолибнинг таклифидан кейинги энг мақбул таклифни тақдим этган иштирокчи сифатида эътироф этилган захирадаги ғолиб аниқланади.

## 9. ТАНЛАШ НАТИЖАЛАРИНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ

9.1. Танлаш натижаларига доир шартнома танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлаш иштирокчиси томонидан тақдим этилган таклифда назарда тутилган шартлар асосида тузилади.

9.2. Давлат буюртмачиси томонидан танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида ғолиб шартноманинг шартлари бажарилиши таъминотини тақдим этганидан кейин шартнома тузилишини назарда тутувчи шарт қўйилиши мумкин.

9.3. Ғолиб шартнома тузишни рад этган тақдирда унга закалат суммаси қайтариб берилмайди. Агар харид комиссияси томонидан захирадаги ғолиб аниқланган бўлса, шартнома тузиш ва унга доир мажбуриятларни бажариш ҳуқуқи захирадаги ғолибга ўтади. Бунда захирадаги ғолиб томонидан таклиф этилган нарх бўйича (бундан захирадаги ғолиб таклиф этган нарх ғолиб томонидан таклиф этилган нархдан паст бўлган ҳоллар мустасно) шартнома тузади ёки шартнома тузишни рад этиши мумкин.

## 10. ТАНЛАШ АХБОРОТ ЖАДВАЛИ

Ушбу бўлим танлаш предмети бўйича ва танлаш ҳужжатларнинг қўшимча маълумот ва талаблари махсус қоидаларини ўз ичига олади.

| Т/р | Бўлим номи | Бўлимга изоҳлар |
|---|---|---|
| 1. | Буюртмачи: | "Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи" МЧЖ |
| 2. | Объект номи: | Завод ташқи ҳудудидаги 212 гектар майдондаги схема асосида экилган мавжуд 81 минг дона мевали ва манзарали дарахтларни йил давомида парваришлаш, агротехника қоидалари асосида ишлов бериш, буташ, шакл бериш, озиқлантириш, касалланган дарахтларга кимёвий ишлов бериш, мазкур дарахтларни йилига 4 маротаба оқлаш, боглардаги дарахтлар остини йилига 2 маротаба ўтлар ва хашакларини чопиб чиқариб ташлаш, 6 км узунликдаги лотокларни йилига 2 маротаба лойлардан тозалаш ва таъмирлаш, схема асосида экилган богларнинг ариқчаларини йилига 2 маротаба лойдан тозалаш, шартнома асосида ариқ суви билан таъминлаш, сув насосларини узлуксиз ишлашини таъминлаш ва техник хизмат кўрсатиш ҳамда завод атрофидаги йўл ва йўлакларни супуриб тозалаш хизматини кўрсатиш |
| 3. | Танлаш тартиб рақами: | № |
| 4. | Танлаш тури: | Очиқ танлаш. |
| 5. | Танлаш ҳужжатларини электрон шаклда юклаб олиш манзиллари: | *https://etender.uzex.uz* махсус ахборот порталидан юклаб олишлари мумкин, |
| 6. | Танлашни ўтказиш манзили, жойи ва муддати: | 5 календарь кун. |
| 7. | Танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълон чоп этишга рухсат этилади: | *https://etender.uzex.uz* махсус ахборот порталида эълон қилинади. |
| 8. | Танлашда иштирок этишга қуйидаги танлаш иштирокчиларига рухсат этилади: | Етарли машина-механизмлар билан таъминланган, соҳа бўйича бой тажрибага эга бўлган, молиявий барқарор ташкилотлар иштирок этадилар. Қайта ташкил этилиш (бўлиниш, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турмаганларга, мол-мулки мусодарага олинмаган, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир-бирига молиявий қарамлиги мавжуд бўлмаганларга. Икки ёки ундан ортиқ пудрат ташкилотлари биргаликда (консорциум ташкил этиш орқали) иштирок этишларига рухсат этилмайди. |
| 9. | Лицензия талаб этиладиган иш турлари: | Талаб этилмайди. |
| 10. | Танлаш иштирокчиларининг танлаш ҳужжатлари бўйича тушунтиришлар олиш муддати: | Эълон муддати тугашига 1 кун қолгунга қадар. |
| 11. | Танлаш таклифларини тақдим қилиш муддатлари: | Офёрталарни тақдим этишнинг охирги муддати порталда белгиланган танлашнинг якуний муддатига кадар. |
| 12. | Танлаш ҳужжатининг тили: | Ўзбек/рус тиллари. |
| 13. | Танлаш таклифининг амал қилиш муддати: | Танлаш таклифлари бахолангандан кейин 5 кундан кам бўлмаган муддат. |
| 14. | Қўшимча ҳужжатлар рўйҳати: | Танлаш ташкилотчисининг устави таъсисчиси, давлат рўйхатдан ўтказилганлик тўғрисида гувоҳнома, мехнат дафтарчалари ва буйруқ хар бир мутахассис ва ишчи билан тузилган мехнат шартномаси, техника ва механизмларнинг ҳужжатлари бўлиши керак.<br>Агарда иштирокчи томонидан нотўғри маълумот берилса танлов таклифини бахолашда тегишли балл олишига ёки четлатилишига сабаб бўлади. |
| 15. | Танлаш таклифларини бериш: | *https://etender.uzex.uz* махсус ахборот порталида эълон муддати давомида |
| 16. | Танлаш таклифларини кўриб чиқиш: | *https://etender.uzex.uz* махсус ахборот портали орқали |
| 17. | Танлаш таклифларини баҳолаш муддати: | Таклифлар бериш тугаганидан кейин 5 кун ичида |
| 18. | Буюртмачининг объект бўйича бошланғич нархи: | ҚҚС билан 1 080 518 127 сўм. |
| 19. | Буюртмачи томонидан белгиланган хизмат муддати: | 270 календарь кун. |
| 20. | Молиялаштириш манбаси: | Ўз маблағлари ҳисобидан. |
| 21. | Хизматни молиялаштириш тартиби: | Шартнома қийматининг 15 % олдиндан тўлов, охирги тўлов ҳақиқий бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатнома ҳисоботи топширилгандан сўнг 90 кун мобайнида. |
| 22. | Шартнома тили: | Рус тилида. |
| 23. | Шартнома валютаси: | Ўзбек сўмда. |

**БНҚИЗ хўжаликни бошқариш хизмати бошлиғи:** **Ҳакимов И.Т**